



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 06 | pp. 63-67 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТНИНГ ЎРНИ



Қуйжанов Хуршид Абдуллаевич

Тошкент Давлат Техника Университети эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналари янги имкониятлар ва муаммоларга дуч келмоқда, бу уларнинг иқтисодий салоҳиятини қайта шакллантирмоқда. Ушбу мақола саноат корхоналарида рақамли технологияларнинг иқтисодий салоҳиятга таъсирини таҳлил қилишга қаратилган. Тадқиқот натижалари рақамли технологияларнинг иқтисодий салоҳиятни оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Тадқиқотда стратегик ташаббуслар, сиёсат тавсиялари ва рақамли технологияларни қўллаш орқали иқтисодий салоҳиятни ошириш учун тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, иқтисодий салоҳият, саноат корхоналари, рақамли технологиялар, инновациялар.

THE ROLE OF ECONOMIC POTENTIAL IN INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE CONTEXT OF THE TRANSITION TO THE DIGITAL ECONOMY

Kuijanov Khurshid Abdullaevich

Independent researcher of Tashkent State Technical University

Abstract: In the digital economy era, industrial enterprises face new opportunities and challenges, reshaping their economic potential. This article aims to analyze the impact of digital technologies on the economic potential of industrial enterprises. The research findings highlight the significant role of digital technologies in enhancing economic potential. The study provides recommendations for strategic initiatives, policy measures, and the use of digital technologies to improve economic potential.

Keywords: digital economy, economic potential, industrial enterprises, digital technologies, innovations.

Кириш

Рақамли иқтисодиёт даврида саноат корхоналари янги имкониятлар ва муаммоларга дуч келмоқда, бу уларнинг иқтисодий салоҳиятини қайта шакллантирмоқда. Ушбу трансформация саноат секторида рақамлилаштиришнинг иқтисодий қувватга таъсирини ва ундан самарали фойдаланиш механизмларини чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Тадқиқотнинг мақсадлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарида иқтисодий салоҳиятнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш.
2. Рақамли трансформация шароитида иқтисодий салоҳиятга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш.
3. Рақамли технологиялар орқали иқтисодий салоҳиятни ошириш бўйича стратегик чора-тадбирларни тақлиф қилиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Кэмбридж изоҳли луғатида кўра, потенциал – етарли шарт-шароит бўлганда бирор бир амалга ошира олиш қобилиятига айтилади, шунингдек бирор кимса ёки нарсанинг ривожлана олиш, муваффақиятга эришиш қобилиятини ифодалаш учун ҳам қўлланилади [1].

Россия катта энциклопедиясида келтирилган тавсифга кўра, иқтисодий салоҳият-мамлакат ресурслари, тўлиқ фойдаланилганда ялпи миллий маҳсулотнинг максимал миқдорини ишлаб чиқариш имконини берувчи давлат ресурсларини ўзида акс эттирувчи катталиқдир. Маълум бир давр учун мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш имкониятларини тавсифловчи асосий синтетик кўрсаткич бу миллий бойлиқдир.

Бу мамлакатнинг ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилмайдиган, моддий ва номоддий ресурслари мажмуи бўлиб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва одамлар ҳаётини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни ташкил қилади [2].

Стэнфорд университети иқтисодчиси П.Кленоу фикрига кўра, иқтисодий салоҳиятнинг стандарт тавсифи бу- мамлакат ЯИМ нинг киши бошига тўғри келадиган қийматидаги катталиқдир. Бироқ унинг фикрича, давлатларнинг иқтисодий фаровонлигини баҳолаш ҳақида гап кетганда уларнинг тўлов қобилиятидан ташқари инсонлар кадрлайдиган бошқа кадриятларнинг иқтисодий талқинини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Масалан, инсонларнинг ҳаёт кечирish тарзида бўш вақтнинг мавжудлиги, узоқ умр кўриш давомийлиги, иқтисодий хавфсизлик ва бошқалар киради.

П.Кленоу Ч.Жонс билан ҳаммуаллифликдаги мақоласида АҚШ ва Францияни солиштириш орқали Европа давлатида аҳоли жон бошига ЯИМ Америкадагининг 2/3 қисмини ташкил этишини, бозор товарлари истеъмоли эса АҚШ қийматининг атиги 60% идан иборат эканлигини аниқлайди. Шу билан бирга, французларнинг умр кўриш давомийлиги сезиларли юқори эканлигини, америкаликлар эса иш учун қарийб 60%га кўпроқ вақт ажратишини келтириб ўтади [3].

Ушбу тадқиқотчи томонидан илгари сурилган талқин воситасида замонавий дунёдаги инсонларнинг истеъмолчи ўлароқ ташкилий хулқи ўзгариши давомида уларнинг кадриятлари ҳам ўзгаришини, бунинг натижасида давлатларнинг иқтисодий салоҳияти ҳам улар кадрлаган иқтисодий неъматлар билан ифодаланишини кўришимиз мумкин.

Н.М.Громова, Н.И. Громова ёндашувига кўра, иқтисодий салоҳият деганда халқ хўжалиги тармоқларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, капитал қурилишни амалга ошириш, юкларни ташиш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларнинг умумий қобилияти тушунилади [4].

Бошқа бир тадқиқотчилар Д.Шкварук ва Л.Дончакларга кўра эса, иқтисодий салоҳият- мамлакат, ҳудуд, корхонанинг ўз ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳоказоларнинг умумий қобилиятидир. Иқтисодий салоҳият, замонавий илмий адабиётларни таҳлилларига кўра, кўп қирралидир.

Таҳлил ва натижалар

Компаниянинг умумий салоҳиятини ёки унинг алоҳида элементларини тизимли таснифлаш, тизимли ўрганиш самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва компаниянинг барқарор ривожланиши учун асосдир. Компанияларнинг умумий иқтисодий салоҳияти концепциясига тизимли ёндашув уни ривожланишнинг маълум қонуниятларига эга бўлган мураккаб, динамик, кўп тузилмали тизим сифатида белгилашга имкон беради.

Мавжуд имкониятларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли корхонанинг умумий потенциалининг яхлитлигини белгилайдиган маълум даражалар, соҳалар ва таркибий элементларга эга бўлган тизим сифатида кўриб чиқилиши керак, уни амалга ошириш мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши лозим [5].

Ж. Брехова ва А. Курбанова ҳаммуаллифликда олиб борган тадқиқот ишида иқтисодий салоҳият тушунчасининг моҳиятини таҳлил қила туриб, иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни ўрганишган ва хулоса тариқасида ўз талқинларини келтириб ўтганлар. Улар фикрига кўра, корхонанинг иқтисодий салоҳиятининг таркибий тузилмасини таҳлил қилишда заҳираларнинг ўрни беқиёс, бироқ у ягона ресурс эмас. Негаки, корхонанинг устав фонди ва молиявий қобилияти ва унинг реал қўлланилиши ўртасида ҳамиша тафовут мавжуд бўлган ва ушбу ресурслар ишлаб чиқариш заҳиралари сифатида корхона балансида ўз ифодасини топади ва корхонанинг иқтисодий салоҳиятини акс эттиришда ўзининг катта таъсирига эга [6].

Ўзбек тадқиқотчиси Исмоилов А.М. фикрича, алоҳида саноат тармоғи корхонасининг иқтисодий салоҳияти – услубий ёндашувга кўра фақат мавжуд имконият ва қобилиятлар йиғиндисини сифатида талқин қилинувчи “иқтисодий салоҳият” тушунчасининг мазмуни эҳтимолий салоҳиятнинг мавжудлиги ҳам ҳисобга олинган ҳолда, саноат корхоналарига тадбиқ этилган фаолият самарадорлиги ва ривожланиши тавсифи, таҳлил объектининг ретроспектив ва перспектив аналитик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари тизими, барча мавжуд салоҳият турлари умумий қобилиятлари йиғиндисидир [7].

Маматқулова Н.М. фикрича, иқтисодий салоҳият тушунчаси бевосита иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ. Иқтисодий жараёнларда нафақат корхона активлари, балки бошқа элементлар ҳам иштирок этади.

Корхонанинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда унинг активлари билан биргаликда вазиятни тўлиқ ва батафсил баҳолаш учун таҳлилни, шу жумладан меҳнат ресурсларини талаб қилинади [8].

Тадқиқотчи Д.Ш.Одинаев фикрича, иқтисодий салоҳият унинг таркибини ҳосил қилувчи қатор элементлардан ташкил топган интеграл тушунча ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи айрим элементлар иқтисодий салоҳият категориясидан ҳам олдинроқ юзага келган ва вақт давомида

бир-бирини мустақил равишда тўлдириб борган. Жумладан, ишлаб чиқариш салоҳияти XIX аср ўрталаригача амалий жиҳатдан иқтисодий салоҳият ўрнида қўлланилиб келган.

Ишлаб чиқариш фондлари, моддий захиралар ишлаб чиқариш салоҳияти асосини ташкил қилган. Бу фондлар таркибига меҳнат ресурслари салоҳияти ҳам киритилган. Техника-технологиянинг юқори суръатлардаги тараққий топиши ва ишлаб чиқаришнинг интенсивлашуви ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг капиталга алмашинув жараёни жадаллашига олиб келди, натижада иқтисодий салоҳият таркибида номоддий элементлар пайдо бўлди, хусусан бозор, инновацион, интеллектуал салоҳият турлари вужудга келди. Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи унсурларнинг бу каби ўрин алмашинуви аввалам бор иқтисодий ўсиш омилларининг ўзгариши билан боғлиқдир. Яъни, давр талаби билан оддий экстенсив иқтисодий ўсиш янги технологиялар ва инновацион ечимларга асосланувчи сифатли иқтисодий ўсиш, интенсив иқтисодий ўсиш билан алмашган. Шу боис ҳам замондош олимлар томонидан таклиф этилган иқтисодий салоҳият таркиби хилма-хиллиги билан ажралиб туради [9].

Иқтисодий салоҳият категориясининг мазмунини тадқиқ этган иқтисодчи иқтисодий салоҳиятнинг мазмунини ташкил этувчи асосий элемент моҳият жиҳатдан объективликни ўзида мужассамлаштириб, маҳсулот яратиш жараёнига жалб этилган ёки қайсидир сабабга кўра жалб этилмай қолган ҳамда унда қатнашиш учун аниқ имкониятга эга бўлган иқтисодий ресурслар йиғиндисини назарда тутди. Иқтисодий салоҳиятнинг ушбу элементи мазмунан моддий ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг ресурс сифимини англаштириш намоён бўлмоқда. Бундан келиб чиқиб, иқтисодий салоҳият ва ресурс сифими тушунчаларига ўзаро тўлдирувчи ўринбосар тушунчалар сифатида қараш мумкинлигини таъкидлаган [10].

Фикримизча, бундай таъриф иқтисодий салоҳият тушунчасини тўлиқ очиб бермайди. Негаки, тадқиқотчи ресурс сифими иқтисодий кўрсаткичи моҳиятига кўра фақат бир индикатор материал сифими билан мутаносиб равишда ўзаро боғлиқ деб талқин этган. Юқорида таъкидлаганимиздек, даврлар ўтиши билан ўзгариб боради.

Шунингдек, иқтисодчи О.А.Давранов томонидан тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишларини тадқиқ этишга бағишланган илмий ишда тўқимачилик саноати корхонасининг иқтисодий салоҳияти – мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланган ҳолда узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлар жараёнида бозордаги тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш, аниқлаш ва қондириш қобилияти деган таърифни келтириб ўтган [11].

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган ёндашувлар иқтисодий салоҳият тушунчасининг барча жиҳатлари ва таркибини талқин этади, шунингдек ушбу тушунчанинг асл моҳиятини ёритишда биров тушунтириш киритишни талаб қилади. Юқорида келтирилган фикрларни умумийлаштирган ҳолда, бутунги кунда

корхона иқтисодий салоҳияти деганда, уларнинг кўшимча қиймат яратишга сабаб бўлувчи манбалари ва уларнинг барқарор фаолият юритувчи тизими деган хулосани шакллантириш фикримизча, тўғри таъриф бўлган бўлар эди.

Шунингдек, ҳозирги вақтда компаниянинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг турли усуллари мавжуд. Муайян усуллари қўллаш тўғрисидаги қарор бошқарув мақсадларига, таҳлил қилишни режалаштирган иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ. Шунинг учун натижада юзага келадиган таъсирларнинг солиштирилишини таъминлаш учун баҳолашнинг универсал усуллари ишлаб чиқиш иқтисодий салоҳиятни баҳолашда ниҳоятда муҳимдир.

Тадқиқот ишимиз давомида айнан шундай усуллар воситасида саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг илмий-назарий асосларини таҳлил қиламиз ва тадқиқотнинг объекти бўлган ИЭС корхоналарида ушбу усулларнинг мавжуд турларини тадқиқ қилиш асносида уларнинг амалиёт билан ўзаро муносиб эканлигини аниқлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/potential> Мурожаат санаси 03.08.2023
2. А.Г.Коровкин (Производственный потенциал и основные фонды, Рынок труда), Н.И.Комков, И.Э.Фролов (Научно-технический потенциал) <https://old.bigenc.ru/text/5044866#>:
3. <https://siepr.stanford.edu/news/measuring-economic-strength-quality-life>
4. Н.М.Громова, Н.И.Громова “Основы экономического прогнозирования”. Уч.пос. Москва -2007. <https://monographies.ru/ru/book/section?id=174> Мурожаат санаси 03.08.2023
5. Mickiewicz, Bartosz & Volkava, Katsiaryna. (2022). Analysis development and assessment of the total economic potential of companies. VUZF Review. 7. 57-66. 10.38188/2534-9228.22.3.06.
6. J.Brehova and A.Kurbanova. The Economic Potential of the Company: Approaches to the Definition and Methodology for Assessment// European Journal of Applied Sciences 5 (6): 166-171, 2013 ISSN 2079-2077 © IDOSI Publications, 2013 DOI: 10.5829/idosi.ejas.2013.5.6.1121
7. Исмоилов А.М. Иқтисодий салоҳиятини рақамлаштириш шароитида қурилиш саноати корхоналари иқтисодий салоҳиятини бошқариш услубиетини такомиллаштириш.Иқт.фан.докт.дисс.автореф. Тошкент-2023.34б.
8. Mamatkulova N. M. Increasing the Financial and Economic Potential of Industrial Enterprises// International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology | e-ISSN: 2792-4025 | <http://openaccessjournals.eu> | Volume: 1 Issue: 5
9. Д.Ш.Одинаев Иқтисодий салоҳият тушунчаси, таркиби ва шаклланиш омиллари//Иқтисодий ва инновацион технологиялар. 3/2022, may-iyun (№ 00059)
10. Равшанов Н.М. Иқтисодий салоҳиятни белгиловчи мавжуд иқтисодий кўрсаткичлар тизими// ISSN 2171-381X innovations in technology and science education Volume 1 Issue 1/
11. Давранов О.А. Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари. Иқт.фан.фалс.докт. (PhD) диссертацияси автореферати, 11-бет.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

